



Саттар Шерматов

Илхомбахш Истиқлол



CH0000032985



Саттор ШЕРМАТОВ

ИЛҲОМБАХШ ИСТИҚЛОЛ

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2015**

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

Ш – 48

Ш – 48 **Шерматов, Саттор**
Илхомбахш истиқлол. – Т.: «Sharq», 2015. – 120 б.

Дунё манзараларидан, ҳаёт гўзалликларидан ҳайратланиш инсон қалбини ҳис-туйғуларга, таассуротларга, тафаккурини эса хаёллару фикрларга тўлдиради, шеър оламига етаклайди. Шеъриятга ошнолик ижодкор кўнгил учун рўшноликдир. Ижодкор олим Саттор Шерматовнинг “Илхомбахш истиқлол” мажмуаси айнан шу ошнолигу рўшнолик ифодалари, мустақил Ватанимизу халқимизнинг истиқлол шарофати или янада гўзал ҳаётидан илхомланиш самаралариdir. Ушбу китобдаги назм намуналари шеърият муҳлислари кўнгилларидан жой олади деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-26-203-4

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)

ISBN 978-9943-26-203-4

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти, 2015.

НИЯТ

Халқим, тафаккуринг бегоён, сўнгсиз,
Тарих ичра илму санъатинг тенгсиз,
Бердинг сочганидай дурларни денгиз –
Хоразмий, Фарғоний, Форобийларни.

Халқим, тўсолмади сени не ғовлар,
Ироданг тоблади қанча синовлар,
Майдонда от сурди келгандა ёвлар
Спитомин, Муқанна, Торобийларинг.

Халқим, шеърга ошно каламу созинг,
Не-не девонларда буюк меросинг,
Яратди ижодга улуғ ихлосинг
Лутфию Бобуру Навоийларни.

Халқим, истиклолдан ўси ди ниятинг,
Кундан-кун ортмокда салохиятинг,
Камолга етказсин доим қудратинг
Эл учун, халқ учун фидойиларни.

ЎЗИГА БЕК ЎЗБЕКМИЗ

Бахамжихат, яқдил бўлиб ёшу кари,
Бораяпмиз дадил янада илгари
Истиклолдан ёргуғ истикбол сари –
Салоҳият, катъиятдир ўз эркимиз,
Осиёнинг ўзига хон ўзбегимиз.

Юртдошларнинг меҳнатидан очиб чирой,
Ватанимиз яшнамоқда мисли сарой.
Заминимиз неъматларга, қудратга бой –
Ўз ерида узукка мос кўздеқдирмиз,
Осиёнинг ўзига хон ўзбегимиз.

Шоҳсупадан жой олмоқда алпларимиз,
Минбарларга муносибдир гапларимиз,
Юртбошидан илхомланар қалбларимиз –
Дилбар онда намоёндир ўзлигимиз,
Осиёнинг ўзига хон ўзбегимиз!

ЧОРЛОВ

Аҳди ёр обод эл дилбандларига,
Бахтиёр, озод эл фарзандларига.
Бахтлимиз, юртимиз – хур Ӯзбекистон,
Осиё тожида дур – Ӯзбекистон!

Токи зўр шароит, имкониятлар,
Дилларда жўш ургай орзу-ниятлар.
Ёш авлод, элида эрка болалар –
Истиқлол яшнатган гулу лолалар.

Янгича мохият топдик ҳаётда,
Яратиш завқи ёр меҳнат, ижодда –
Ёш авлод бахти деб дилдан жўшамиз,
Эл-юрт равнақига ҳисса қўшамиз.

Зўрларни майдону кураш саралар,
Нурафшон келажак бугун яралар.
Юртбоши камолот сари йўл бошлар,
Нурли манзилларга интилинг, ёшлар!

Токи камолингиз кўрган ҳар бир он
Қойил қолиб хитоб қиласин ҳар бир жон –
“Тасанно, обод эл дилбандларига,
Тасанно, озод эл фарзандларига!”




ОППОҚ ЛАЙЛАКЛАР

Лайлаклар келдими – демак ёз бүлди,
Түкинлик фаслидан элчи бу қушлар.
Лайлаклар учун тинч осмон соз бүлди,
Бемалол учганча юртни олқишлиар.

Оппоқ лайлакларда күпдир хосият,
Парвози күзлару қалбларга кувонч.
Күрган кишиларда туғилар ният,
Уйғонар эртәнги кунларга ишонч.

Күрдим хур юртимнинг ҳар ошёнида
Жуфт-жуфт бўлиб кўкка учди лайлаклар.
Пойтахтнинг мукаддас, бош майдонида
Эзгулик рамзига кўчди лайлаклар!



ИЛҲОМБАХШ ИСТИҚЛОЛ

Шукурки, ўзбекда улуғ пешона,
Оллоҳнинг меҳридан қутлуғ нишона,
Озод Ўзбекистон – энг зўр кошона,
Энг зўр нақш – истиқлол!

Мурғак болажонлар тасаввuriда,
Доно йўлбошчилар тафаккурида,
Бахтиёр юртдошлар ташаккурида
Этгай акс истиқлол.

Обод юртимизга файзу тароват,
Захматкаш жонларга ҳузур-халоват,
Ширин турмушларга роҳат-фарогат,
Оромбахш истиқлол.

Музаффар этади бани одамни,
Мунаввар этади борлик, оламни,
Қўлимга тутқазар доим қаламни
Илҳомбахш истиқлол!



ЭЪТИРОФ

“Обод турмуш йили”га

Эл-юрт, оила тинч, турмуш фаровон
Бўлса гар, мамнумиз йўлдошимиздан.
“Обод турмуш йили” деган зўр унвон
Йилга бахш этилди Юртбошимиздан,
Олқишлиар хам кекса, хам ёшимиздан!

Истиқлол мақсади – ёруғ истиқбол,
Озодлик элтгайдир ободлик томон.
Мустақил юртимиз топмоқда камол,
Ошиб ўтилмоқда не чўқчи, довон
Мехнату файрату бардошимиздан,
Авлодлар миннатдор Юртбошимиздан.

Файзли турмуши бор изланар мудом,
Эзгу ниятлар деб билмагай ором.
“Обод турмуш йили” деган қутлуғ ном
Куч берсин, бахш этсин ўзгача илҳом
Барчага, қардошу юртдошимизга,
Ҳамният бўлайлик Юртбошимизга!

ОҚСАРОЙ

Муazzам пойтахтда кутлуғ қароргоҳ -
«Оқсарой» аталған мұхташам даргоҳ,
Не-не ташрифларға доимо гувоҳ,
Халқаро арбоблар фикридан огоҳ,
Нурафшон Оқсарой – кутлуғ қароргоҳ.

Муборак истиқлол нишонаси бу,
Биринчи президент кошонаси бу,
Озод Ўзбекистон дурдонаси бу-
Исеми жисмига мос мұхташам даргоҳ,
Нурафшон Оқсарой – кутлуғ қароргоҳ.

Мустақиллик берди сен учун оқ йўл,
Ўзбекнинг қалбидай доимо оқ бўл,
Озод замин ичра энг юксак тоғ бўл -
Халқаро ташрифлар донғингга гувоҳ,
Нурафшон Оқсарой — кутлуғ қароргоҳ.

Сендадир истиқлол тахтига тамал,
Сендадир истиқбол баҳтига амал,
Сарбаланд, музайян бўлгин ҳар маҳал
Буюк амалларга улуғ қароргоҳ –
Нурафшон Оқсарой – кутлуғ қароргоҳ.

«АФРОСИЁБ»

Истиқол ўзлигин күрсатди яна,
Тарихга ёзилди бир куттуғ сана –
«Афросиёб» боис улұғ тантана
Озод халқ қудратин аломатидир,
Не-не йүлчиларнинг ҳаловатидир.

Юртдошлар қувончу ғуурда тагин,
Йүллар енгил бўлди, манзиллар якин.
Темир йўллар узра мисли бир чакин
Елиб бораётган учкур карвон бу,
«Афросиёб» номли янгича шон бу.

Халқим, унум берсин сафарларингга,
Барака тилайман зафарларингга,
Куч элтиб не кенту шаҳарларингга,
Истиқбол йўлида бўлсин мададкор
«Афросиёб» каби кўп учкур тулпор!

ЎКИНЧ

Армонлар азоби ёвуз бўлади,
Касридан кўзларга ёшлар тўлади.
Армон жодусига дучор жафокаш
Юз бора тирилиб, юз бор ўлади.

Тарих ичра садо беринг, аждодлар,
Ўйласам, ўртанар ҳамон эс-ёдлар.
Бизни армонларда ёндирап ҳануз
Сизнинг умрингизга зомин жаллодлар.

Элу юрт ҳасрати – энг катта армон,
Халкпарварга калби беради фармон.
Аждоду авлодлар дардини ўйлаб,
Бўла олай дейди ҳамдард, ҳам дармон.

Мозий кечмишига бўйлади Саттор,
Фойиб ўтмишларни ўйлади Саттор.
Тарихнинг қўп жойи ҳамон қоронғу,
Ёниб армон ҳақда сўйлади Саттор.

ЯШАНГ

Кечаги кун – тарих, ўтмиш,
 Эртаги кун – топишмоқ.
 Кимлар етмай, кимлар етмиш,
 Бугунги кунда ҳар чоқ
 Яхшилик билан яшанг,
 Қаноат билан яшанг!

Чин муҳаббат – буюк неъмат
 Бергай ҳаётга мазмун.
 Севиб асил ёрни фақат,
 Юрибсизми шод, мамнун –
 Яхшилик билан яшанг,
 Муҳаббат билан яшанг!

Қадрлашда шарофат жам,
 Мехрингиз тутмай дариғ
 Мухтоҗга ҳам беринг ёрдам,
 Күнглингиз бўлсин ёруғ –
 Яхшилик билан яшанг,
 Оқибат билан яшанг!

Гўзалликнинг завқи ўзга,
 Ўзига хос лаззати.
 Неки қувонч қалбга, қўзга,
 Йўқолмасин иззати –
 Яхшилик билан яшанг,
 Нафосат билан яшанг!

Оздирмасин йўлдан шайтон,
 Шаккокнинг ҳоли аянч.

Хар жойда, хар ишда ҳар он
Эътиқод бўлсин таянч,
Яхшилик билан яшанг,
Диёнат билан яшанг!

Ўз йўлида тургай маҳкам,
Кимки содик, вафоли.
Саттор айтар – событ одам
Яшаб ўтгай сафоли,
Садоқат билан яшанг,
Матонат билан яшанг,
Яхшилик билан яшанг!




НОДИРАИ ДАВРОН

Назминг боис ҳамиша шоираи замонсан,
Сен доимо гўзаллик, инсонийлик томонсан,
Ёринг ҳажри туфайли гарчи ранги сомонсан,
Асли назм аро сўлмас Нодираи давронсан.

Амирийдек шоирни хуснинг ўзга қаратди,
Илҳом париси бўлдинг – гўзал шеърлар яратди,
Ғазалларинг тоабад сўнмас доврук таратди,
Ижоди мангу ўлмас Нодираи давронсан.

Мудом илҳом баҳш этгай шеър ахлига ижодинг,
Ҳофизлар қўшиғида ҳеч сўнмагай баётинг,
Девонларда безавол яшар сенинг ҳаётинг,
Назм аро тенги бўлмас Нодираи давронсан.



ХАЗИНА

Абдулҳамид Ҷулпон
хотирасига

-I-

Шеър ичра нақадар беназир, хасос,
Янги ўзбек назмига яратди асос,
Ижоди дурдона камалак овоз
Истеъдод бобида Чўлпондайи оз.

Ижодий мероси ранг-барангубой,
Насру назмимизда ўзгача чирой,
Асли юлдуз эмас, мисли Қуёш, Ой,
Истеъдод бобида Чўлпондайи оз.

Ҳамлетни ўзбекча сўйлатган ҳам у,
Тагорни-да ўзбекча ўйлатган ҳам у.
Ўзбекни дунёга бўйлатган ҳам у,
Истеъдод бобида Чўлпондайи оз.

Нодир асарлари сўнгсиз хазина,
Ижодий мероси тенгсиз хазина,
Инжу, садафга бой денгиз, хазина –
Истеъдод бобида Чўлпондайи оз.

-II-

Шеърим фикр берсин замондошларга,
Айникса Чўлпонга издош ёшларга.
Қайтмади курашдан элу юрт дея
Боши урилса-да неча тошларга.

«Борис Годунов» ни ёзганда Пушкин
Ўзига яратган ажойиб, хуш кун.
Чўлпон таржимасин ўқиганда ҳам
Аниқ – кайфияти бўлмасди тушкун.

Бир ёнда Крилов, бир ёнда Гоголь
Ўзбекнинг қалбига топа олди йўл.
Ёшлар, ибрат олинг Чўлпондан доим,
Тажрибаси ҳар вақт сизга келсин кўл.

Ўзбек назмин теран илдизи Чўлпон,
Ўзбекнинг янгича шеър-сўзи Чўлпон.
Мумтоз оҳанглардан парвоз қилди у,
Ҳақиқий янги Тонг юлдузи Чўлпон!


АНДИЖОН ШАМОЛИ

Димокка урилди ифорлар таниш,
Қадрдан боғларда кезмоқда хаёл.
Яна қўнгил аро соғинч, ўртаниш –
Андижон томондан эсмоқда шамол.

Тандирдан узилган иссик нон иси,
Ўзгача муаттар кўклам ялпизи,
Яна бош кўтарди соғиниш ҳисси –
Андижон томондан эсмоқда шамол.

Не-не йўллар босиб ўтар хаётим,
Она юрт соғинчи – сўнмас баётим,
Яна илҳом олди шеърим, ижодим –
Андижон томондан эсмоқда шамол.

Дарҳол тўйиб-тўйиб оламан нафас,
Сингандай бўлади кўксимда қафас,
Эпкини уйғотар иштиёқ, хавас –
Андижон томондан эсмоқда шамол.



925759

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

-I-

Ёв лашкари еримизда тортганча саф
Элу юртнинг тинчлигига согланда хавф,
Балоларнинг қасдин қилай деб бартараф,
Жангтоҳ аро арслон каби наъра урди
Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди.

Парвонада хомхаёли бўлиб чил-чил,
Синд бўйида жасоратин кўрган мўғул
“Эҳ, бўлсайди менда ҳам зўр шундай ўғил!”
Дея хитоб қилганидан бўлди огоҳ
Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳ.

Боскинчилар тўдасини кириб канча,
Ёв қонини шамширига нақш этганча,
Бутун умрин кураш учун баҳш этганча
Ҳамлаларда душманларга бермади тин
Хоразмшоҳ Мангуберди Жалолиддин.

II

Йилнинг жазираю қаҳратони бор,
Балоларнинг ҳам балогардони бор,
Ҳар элнинг тенги йўқ қаҳрамони бор –
Мангуберди каби мангу яшайди,
Эслаб авлодларнинг кўнгли яшнайди.

Курашни этганча энг эзгу ғоя
Эл-юрт озодлигин килди химоя,
Ибратига шаксиз йўқдир ниҳоя,
Мангуберди каби ўғлонлари бор
Халкнинг юрагида сўнмас ифтихор.

Истиклол иззати – азим ҳайкали,
Ордени – мардликнинг рамзий сайқали,
Мангуберди ёккан мардлик машъали
Сўнмагай ватанда ободлик боис,
Мустакиллик боис, озодлик боис!

«АВЕСТО»

Аждодлар құдратига авлодлар койил,
 Теран мөхиятта лойиқ шамойил,
 Мос ифода топди учта тамойил –
 «Эзгу фикр, эзгу сүз, эзгу амал»,
 «Авесто»да илк бор қўйилган тамал.

Асрий қадриятлар истиқлол боис
 Кадрини топганин таъкидлаш жоиз,
 Элга баён этди не шайху воиз
 Эзгу амал, эзгу сүз, эзгу фикр,
 Аввало «Авесто» да бўлди зикр.

Жаҳонда энг қадим улуг ёдгорлик,
 Фоялари халққа қутлуғ ёдгорлик,
 Ҳар сўзи маънога тўлуғ ёдгорлик –
 Йигирма биринчи асрга етган «Авесто»,
 Истиқлол қўлидан тутган «Авесто»!

ХОРАЗМ – ФАХРИМ

Ўзбегимнинг ўзига хос воҳасидир,
Тарихи ҳам ўзига мос воҳасидир.
Мангуберди авлодлари сайқал берган
Жозибаси мисли олмос воҳасидир.

Хоразмга борганда мен «ова» дерман,
Чўгирмали ёшуллини «оға» дерман.
«Лазги»сига жўшиб ўйнаб, лаззатланиб,
Хоразмийлар авлодига «яша» дерман!

Яйраганмиз не зиёфат, не базмда,
Сузиб Жайхундай дарёи азимда.
Тухумбарак, барра таом недир асли –
Меҳмондўстлик ўзгачадир Хоразмда!

Эллар аро овозадир Хива шаҳри,
Кўркин кўриб очилади сайёҳ баҳри.
Завол билмай яшнайверсин, бўлсин гўзал
Ўзбегимнинг Хоразмдай улуғ фахри!



ҚҰШ ДАРЁ

Хоразм гүзали Дилрабога

Сенга шайдолигим уйғонди яна –
Хоразм томондан келди бир сабо.
Сени күрган қуним ўзгача сана,
Яна күрарманми сени, Дилрабо?!

Тонгги насим каби дилхуш хаёлинг
Мени уйғотишни күрибди раво.
Қани, насиб этса менга висолинг
Хоразм гүзали – сулув Дилрабо!

Қалбимда кудратли тарона жұшди,
Умрбод тинмагай сен берган наво.
Висолинг умримга сурурлар қўшли,
Хузулинг аяма мендан, Дилрабо!

Майли, мен Сайхуну сен Жайхун бўлгин,
Умримизга оро берсин кўш дарё.
Ишку мұхаббатга юраклар тўлсин,
Сатторга содик ёр бўлгин, Дилрабо!

ҚОРАҚАЛПОҒИМ

Орол бүйларига дурдек сочиlgан,
Бердақ ижодида күнгли очилган,
Оллоҳ бизни асрий қариндош қилған,
Туркий шажарарада ёндош тармоғим
Үзингсан, эй улуғ қорақалпогим.

Амударё мавжи ерингга күчдир,
Күшикларинг авжи юракка хушдир,
Санъатинг парвози сарбаланд қушдир,
Рухияти тенгсиз яқын аймоғим
Үзингсан, эй улуғ қорақалпогим.

Тарихингдан сўйлар “Қиркқиз”, “Шахриёр”,
Ҳар бир фарзандингта миллат фахри ёр,
Нукусдай муҳташам пойтахт шаҳри бор,
Заминдош, даврадош қалин ўртоғим
Үзингсан, эй улуғ қорақалпогим.

Халким деб ғайрату шитоблар қилди,
Не-не минбарларда хитоблар қилди,
Армону дардларинг китоблар қилди
Тўлапберген оға каби зўр тогим
Үзингсан, эй улуғ қорақалпогим.

Уст-Юрт, Қизилкумдай бағри бепоён,
Ўзлигу меҳнату курашда аён,
Борлиғинг жаҳонга қилиб намоён
Муқаррар саодат сари бормоғинг,
Дунё тургунча тур, қорақалпогим!

БЕРДАҚ

Адолат номидан ёниб сүйласа,
Ижодкор қалбida яралган шеър-ҳак.
Не тонг, эзгуликни ҳамон ўйласа
Шеърларида мангу бархаёт Бердак

Шеърхон ижодкорнинг бергай баҳосин
Девонларин ўқиб варакма-варак.
Коракалпок элин буюк даҳосин
То абад намоён қилгайдир Бердак.

Шеърлари ҳикматдай теран, пурмаъно,
Эй шеърхон, мисралар маъносини чақ –
Эзгулик, адолат устун экан то
Назм аро абадий яшагай Бердак!

СОҲИЛДАГИ ЎЙЛАР

Кўриб боришини изма-из долға,
Узлуксиз, мунтазам олдинга, олға,
Топгандай фирмимга ажиб қўналға
Амударё бўйида ўй суреб қолдим.

Илҳомбахш жараён билмаса тиним,
Давомли ҳаракат келтиргай унум.
Курашсак, интилсак нукуслик иним,
Ўзбек, корақалпоқ бўлгайдир олдин.

Бутун дунё ҳамдард Орол дардига,
Сабот тилар корақалпок мардига,
Зеро, чидаб офат тузли гардига,
Ундиримоқда нозу неъмат, “оқ олтин”.

Корақалпок дўстим, қадрдон қардош,
Бизда бор матонат, интилиш, бардош,
Курашиб яшасак токи кекса-ёш
Ўчмагай дилларда муқаддас ёлқин.

Дарё юзасида мавж, тўлқин, долға
Изма-из боради доимо олға,
Топиб хаёлларга соҳир қўналға,
Амударё бўйида ўй суреб қолдим...

ҚОРАҚАЛПОҚ СУЛУВИ

Хусну жамолингга бўлиб маҳлиё
Қалин сочларингни тўзғитар шамол.
Шайдоман, мафтунман, менга бок киё,
Қорақалпоқ қизи сулув Гулжамол.

Не-не манзиллардан ўтдим неча бор
Гоҳида бедору гоҳ босиб уйқу.
Биласман, қалбимни тарқ этмас зинҳор
Сени кўрган чогим уйғонган туйғу.

Гулдай жамолингга қилдинг-ку шайдо,
Қани энди бўлсам сози бор бахши –
Куйлай олмас эди васфингни асло
Ҳеч ким мендан кўра аълою яхши.

Бердақ шеърларидан уқиб қўп маъно,
Муҳаббат измига шайланди хаёл –
Хусну камолингга дилдан тасанно,
Қорақалпоқ қизи сулув Гулжамол!

ЎТОВ

Умрим кечди қорақалпоқ ўтовида,
Яшадим не улуғларнинг етовида,
Бугун ўзим етакчиман - издошлар бор,
Шаҳдим яшар йигитларнинг ундовида.

Ўтовда неча бор ўт бўлиб ёндим,
Ёримнинг васлига юракдан қондим.
Билдимки, юрак ҳам асли бир ўтов,
Ёр васлин кўп эслаб шунга ишондим.

Умрбод лол қилдинг, корақалпоқ қизи,
Юрагимдан ўчмас севгининг изи.
Гул бўлу ошиғинг булбулдай сайрат,
Ёрини яйратсин йигитнинг сўзи.

ҚОНДОШИМУ ЖОНДОШИМ

Маросимлари бир қариндош, қуда,
 Бирга давра қурса, яйрашар жуда.
 Олди-сотдиси ҳам бордир Чорсуда,
 Ўзбекка даврадош, дардкашдир қозок,
 Қону жон томири туташдир қозок.

Сўз айтар гап кетса кураш, полвондан,
 Пахлавон Маҳмуду Ҳожимуқондан.
 Яссавий деб Темур қилган қозондан
 Емак-кўмаги бир ўзбегу қозок,
 Сўзи, демаги бир ўзбегу қозок.

Қўшни ўчоғида газ-олови бор,
 Сийлашда бешбармоқ ҳам палови бор,
 Дилларда дўстликка кўр-калови бор,
 Меҳмону мезбондир ўзбегу қозок,
 Бир тану бир жондир ўзбегу қозок.

Тошкенту Нукусда килишса байрам,
 Қўшилиб шодланар Шимкенту Сайрам,
 Бирма-бир сув иchar Сирдарёдан ҳам,
 Ўзбекнинг энг якин қондоши қозок,
 Минг йиллик қадрдон қондоши қозок.

Дунё тургунича бирга турайлик,
 Дўсту улфат бўлиб даврон сурайлик,
 Янги жамияту давлат қурайлик,
 Сафдошлиқда қадам ташлайлик, дўстлар,
 Доим ахилликда яшайлик, дўстлар!

МЕЬМОР

Нурсултон Назарбоевга

Хукм сурди турфа подшо, турли султон,
Бугун халкка бошчи кутлуг нурли султон,
Энди қозок эл-юргига бош Нурсултон,
Равнақ, ривож топаётир Қозғистон!

Оллоҳ назар қилган инсон подшо бўлар,
Замонаға муносиб шоҳ пайдо бўлар.
Назарбоев раҳбар экан, Қозғистон
Зиёларга, нурга тўла маъво бўлар.

Оқину бахши мисоли навосози бор,
Жамбулнинг ҳам Пўлкан каби ҳамсози бор.
Наарбоев, Каримовнинг мангу дўстлик
Аҳди тасдиқ шартномада имзоси бор.

Назарбоев – янгиликлар мададкори,
Шарқу Ғарбда қувватлайди кўп ҳамкори.
Янги пойтахт – Астанани этди бунёд,
Назарбоев – янги хаётнинг меъмори!

“Нурсултон”да бордир нур ҳам, бор султон ҳам,
Исмига мос тарзда аҳду шахти маҳкам.
Нурсултондай раҳбари бор давлат учун
Доим ёруғ бугуни ҳам, келажак ҳам!

ДҮСТЛИК – УЛУҒ МЕРОС

Үзбегу тожикка доим хосу мос
Дүстлик, биродарлик азалий мерос.
Бир-бирин килганча ардоғу эъзоз
Икки халқ тотувдир асрлар оша.

Алпомиш ёнида Рустами достон,
Икки халққа бирдай яқин қаҳрамон.
Эзгу қадриятлар мангу қадрдон
Икки халқда яшар насллар оша.

Дүстликдайдыр кувонч, бахту саодат,
Иккисида бирдай маросим, одат.
Ёндош хирмонига ҳиммат, иноят
Ёғар бир-бирига фасллар оша.

Навоий ва Жомий дүстлиги қутлуғ,
Құшни, қудачилик макоми улуғ.
Икки халқ дүстлиги сақлансын түлик
Фасллар, насллар, асрлар оша.

ТУРКМАН – ҚАРДОШИМ

Осмони, замини, суви ёндошмиз,
Жайхундан сув ичган икки қондошмиз,
Бир сиймода гүё биз күзу кошмиз,
Құшнимиз, қудамиз, поччаю қайни
Туркман оғайни!

Дулдулга дил берган ҳар аждодимиз,
Ахалтака, қорабайир – отимиз
Майдону пойгада зүр қанотимиз,
Учкур тулпор энг зүр хадя баробар,
Туркман биродар!

Үзгача илхом ёр Махтумкулига,
Шеърида сехри бор Махтумкулига,
Үзбекнинг меҳри бор Махтумкулига,
Назм аро сўзимиз бирдек жонажон,
Туркман жўражон!

Марказий Осиёда ўлкадошмиз,
Не-не жабҳаларда елкадошмиз,
Азалдан абадгача жон қардошмиз,
Дўстлигимиз бўлсин абадий Қуёш,
Туркман қариндош!

МАХТУМҚУЛИ

Назмида намоён қисматни англа,
 Ҳар сатрига сингган хислатни англа,
 Мисраларга кўчган ҳикматни англа –
 Махтумқули шоир ҳам аллома зот.

Шайтонга алданиб тойрилма дейди,
 Тўғри йўлдан оғма, қайрилма дейди,
 Ўзликдан, ўзингдан айрилма дейди,
 Махтумқули шеъри парвозга канот.

Ижоди мисоли серқирра олмос,
 Илохий илҳомда берилган пардоз,
 Туркий шеъриятда тенгсиз, бекиёс
 Махтумқули сози яратган баёт.

Қорақумдай кенгдир бағри туркманнинг,
 Яшнамоқда кенту шахри туркманнинг,
 Буюк шоир бокий фахри туркманнинг,
 Махтумқули шаксиз мангу барҳаёт!

ТУРКМАН ЖОНОНИ

Жамолинг шайдолар мароғи бўлди,
Камолинг зўр илҳом чироғи бўлди,
Махтумкули сен деб Фироғий бўлди,
Мени ҳам сўйлатдинг, туркман жонони.

Мухаммад Юсуфни ошиқ қилдинг сен,
Охунжон ҳофизга қўшиқ бўлдинг сен,
Қаршимга малакдай тушиб келдинг сен,
Мени ҳам қуйлатдинг, туркман жонони.

Коракум бағрида унган лоласан,
Жайхундай жўшкиссан, хур шалоласан,
Кўрганнинг кўзию кўнглин оласан,
Мени ҳам ўйлатдинг, туркман жонони.

Софинчим хуш ният қўшади ўйга –
Иккимиз етсайдик муродбахш тўйга...
Дил розимни айтмоқ учун Чоржўйга
Мен ҳам шайлтадинг, туркман жонони.

Узун кўйлагингда анвойи тус бор,
Шарқона феълингда хислатлар бисёр,
Сатторга севгида сен берган хис ёр,
Назм аро бўйлатдинг, туркман жонони.

ОЙДИНБУЛОК

Тұлиб-тошиб,
Қайнаң чиқдінг
Қайдин, булок –
Тиниқлигинг
Номинга мос
Ойдинбулوك.
Хар қатрангда
Нурлар билан
Жилвалан, жүш –
Менга берган
Илхомингга
Яна күч қүш,
Ойдинбулок
Күрдим сени
Қайдин булок,
Сехринг боис
Рухим қулоч
Ёйди булок –
Бамисоли
Қиқирлайсан
Ойдинбулок,
Хаёлимни
Үғирлайсан
Ойдинбулок.
Сени тинглаб
Ёдга тушди
Ёр кулгуси –
Умрим бүйи
Сехринг менга
Ёр бүлгуси

Ойдинбулоқ –
Билмам чиқдинг
Қайдин булоқ,
Қалб тубида
Қайнаң турғын
Ойдинбулоқ!

(2)

Севишганлар қалбидаги нурли булоқ,
Ошиқларга сәхрли ҳам сирли булоқ,
Бу дунёда сон-саноқсиз турлы булоқ,
Ягонасан үзинг севғи – ойдинбулоқ.

Ойдинлигинг безавол сәхринг туфайли,
Одамлар баҳтиёрдир меҳринг туфайли,
Менинг қалбимда ҳам қайнайвер, майли,
То абад ҳаётбахш сезги – ойдинбулоқ.

Жилваларинг ажойиб гүзәл тонгларда,
Бокий, мангу яшайвер қалбу онгларда,
Үйғотавер түғёнлар ошиқ жонларда,
Мұхаббатсан улуғ, эзгу – ойдинбулоқ!



МУКОФОТ

Кимнингдир бор севар ёри – севараси,
Завқу шавқин бўлмас сира чегараси.

Муҳаббатдан яралгайдир қувончу баҳт,
Ҳар йигитга суюклиси яратгай таҳт.

Севар ёрнинг доим қилинг ардоғини,
Ҳар кишига кўрсатмасин ёр доғини.

Севгилисин эъзозлаган хор бўлмагай,
Муҳаббатга, меҳрга ҳеч зор бўлмагай.

Ёрингизни сидқидилдан севасизми?
Кўнгилдагин кўзларидан сезасизми?

Шунинг ўзи инсон учун саодатдир,
Чин муҳаббат банда учун мукофотдир.

СУЛУВ ҚИЗ

Барнолиги күзидан маълум,
Зукколиги сўзидан маълум.
Онасини кўриш шарт эмас,
Қиз кимлиги ўзидан маълум.

Худо чирой бериб сийлаган,
Зехну ақл қўшиб ийлаган.
Махалладан ортмас яхши қиз,
Чикқай бирор кўзи киймаган.

Ифори хуш тонгти сабоча,
Ғунча мисол жонон зебоча.
Тенги билан пайваста топсин
Ҳаётига гўзал дебоча.

Кўклам боис куртак уйғонди,
Гўзалликдан юрак уйғонди.
Хуснинг кўрган Сатторда, сулув,
Сенга яхши тилак уйғонди...

НИГОХ

Үткір экан нигоҳингиз –
Қалбим энди сизники.
Үткір нигоҳ – гуноҳингиз,
Жазо эса бизники.

Бир бокишда шайдо қилиб
Құйдингиз-ку қалбимни.
Қүрінмас тиғ пайдо қилиб
Үйдингиз-ку қалбимни.

Бундай гүзәл кипригу қош,
Күзлар йүқдір ҳеч кимда –
Күрятманми ёки зүр туш
Шундай ёруғ хуш кунда?!

Ишкә дучор этди ғаддор
Күзларингиз олови –
Ёндірсангиз рози, Саттор,
Жони бүлсін қалови.

Бунча үткір нигоҳингиз,
Қалбим энди сизники.
Нигоҳда ноз-фирогингиз,
Үтли ишқи бизники.

ГУЛСАРА

Сени севмоқ учун келдим дунёга,
Умримни буркадинг ажиб зиёга,
Боргим келаверар Сурхондарёга,
Оҳанрабо ўзинг, гўзал Гулсара!

Ҳаётда тухфа йўқ сендан-да ортиқ,
Ўзингсан мен учун энг ширин тортиқ,
Манглайга битилган ажойиб ёрлиқ,
Ёзиқ – иншо ўзинг, гўзал Гулсара!

Мен сени кўрмасам, кўнглим ғаш, хира,
Мангу мухаббатим – бокий захира,
Сендан сулувини топмадим сира
Дардга даво ўзинг, гўзал Гулсара!



СЕВГИ ОЛОВИ

Ўзим ёққан ишқ оловида
Юрагим ўртамоқда
Ҳам ёнингда топиб нашида
Яшашга ўрганмоқда.

Мухаббатнинг сўнмас олови
Афсунидан лол, мастман.
Майли, қалбим бўлсин қалови,
Ишқда оташпарастман.

Ўзим ёққан севги ўтида
Ошиқ қалбим ёнмоқда –
Ёнган сари хуморман жуда
Ёр васлига қонмоқقا!

Келгин энди, эй шўх паризод,
Сатторни ёндири, майли –
Васлингда у шоддир умрбод
Сўнмас ишқинг туфайли...

РОЗ

Севган биргина сен эмассан, эй ёр –
Ишқнинг оташида куямиз биз ҳам,
Маъшуқа васлини суюмиз биз ҳам,
Севги шаробини куямиз биз ҳам,
Севган биргина сен эмассан, ағёр.

Инсон учун баҳтдир севмоқ, севилмок –
Ҳар кимга ҳам насиб этмайди аммо.
Аслида мұхаббат – буюқ муаммо,
Ёнида бор экан ёри доимо
Инсон учун баҳтдир севмоқ, севилмок.

Мұхаббат сеҳрли, сирли кечинма –
Гуллар каби гүзәл, анвойи, хушбүй,
Севғанлар самода учади қүшдай,
Туулар эңг шириң, гаройиб түшдай
Мұхаббат – сеҳрли, сирли кечинма.

Севган биргина сен эмассан, ағёр –
Ишқни мадҳ этганча такрор ва такрор,
Висол окшомига бағишлиб алёр,
Ёр васфин куйлагай ҳамиша Саттор,
Севган биргина сен эмассан, эй ёр...

ҚАБР ЁНИДА

Волидангни ёд қилгани,
Рухини шод қилгани,
Қабрин обод килгани
Келдингми, болажоним?

Ғамлардан күнглинг музлаб,
Ичингда пинҳон бўзлаб,
Онангдай ҳамдард излаб
Келдингми, болажоним?

Оғирдир дунё иши,
Ҳар кимда – ўз ташвиши,
Тополмай мендай киши
Келдингми, болажоним?

Посбонинг бўлдим ўзим,
Дармонинг бўлдим ўзим,
Армонинг бўлдим ўзим,
Келдингми, болажоним?

Номимни улуғлаб юр,
Рухим күнглин тўклаб юр,
Марҳум онанг йўклаб тур,
Келиб тур, болажоним...

АСЛ ЁР ЁДИ

Худди кечагидай юраман эслаб,
Азиз хотирангиз – дил ардоғида.
Девонадай сизни қоламан излаб
Софинч юрагимдан тошган чоғида.

Ҳаётнинг паст-баланд йўллари аро
Сиз менга ҳамнафас, ҳамроҳ эдингиз.
Во дариг, бир куни караб ғамсаро,
“Мен энди кетаман, бегим...” дедингиз!

Инсон тақдиридан қочолмас минбаъд,
Пешонада борин кўрамиз, тўғри.
Бироқ хотирада яшар то абад
Асл ёрнинг меҳру севгиси сехри!

Қанча инсонларга бўлиб сухбатдош,
Не-не ҳикматларни англади дилим.
Саттор учун севгинг мисоли қуёш,
Калбida яшайсан мангум, севгилим!

РАҚҚОСА ҚИЗЛАР

Үйнаса үйинга зўр уста қизлар,
Санъатин васфига ожиздир сўзлар.
Санъатга сеҳрингиз жо қилибсизлар
Имоси серафсун раққоса қизлар.

Ҳар бир ишорага дардин кўчириб,
Гоҳо муқом қилиб, гоҳ қош учириб,
Рақс аро ўтасиз ҳаёт кечириб
Санъати сермазмун раққоса қизлар.

Сиз борсиз, мухлиснинг вакти чоғ бўлар,
Ҳақиқий эркакнинг кўнгли тог бўлар,
Диллар рақсингизга шод гувоҳ бўлар,
Биз мамнун, сиз мамнун раққоса қизлар!

АЁЛ

Аёл боис юксак хонадон тахти,
Мехридан яралар фарзандлар бахти,
Абадий яшнагай хаёт дарахти –
Теран шоҳтомири, илдизи аёл!

Арзигай ҳар қанча ардоқ, шараф-шон,
Миллату авлодга ҳаётбахш бу жон,
Оила осмони ёруғ, нурафшон –
Қуёши, ҳилоли, юлдузи аёл!

Саралаб ризку рўз сарагу пучин,
Болаларга бериб бор қудрат-кучин,
Баркамол, бахтиёр оила учун
Курашар кечаю кундузи аёл!

СОХТА СЕВГИ

Ясама ялтироқ мұхаббат –
Синовда қалтироқ мұхаббат.
Ошикнинг қаллоби, тұғриси,
Бегубор қалбларнинг үғриси.

Ёмонлар ичидә ёмони
Севгининг сохтаси, ёлғони.
Қалбаки мұхаббат – бир оғат,
Етказар покликка талоғат.

Севгини ўйинчоқ қилманглар,
Күнгилхуш, овунчоқ қилманглар.
Кун келиб, қаллобни қул қиласар,
Афсуслар ўтида қул қиласар.

Ҳакиқий мұхаббат бор бўлсин,
Ҳар кимга чин севги ёр бўлсин!
Севгига ўрин йўқ ёлғонга,
Бахт берсин мұхаббат инсонга!

АЁЛ КУЛГУСИ – ҲАЁТ КҮЗГУСИ

Кулдими, бахтидан аёл мамнундир,
Гүзәл хандасига барча мафтундиндир,
Табассум аслида теран мазмундир,
Аёл кулгуси – ҳаёт күзгуси.

Кулганда аёлга қилманг маломат,
Демакки, күнгли тинч, тани саломат,
Табассуми эзгу, гүзәл аломат,
Аёл кулгуси – ҳаёт күзгуси.

Қачонки элу юрт фаровон, обод,
Инсонлар бахтиёр, баркамол авлод,
Тириклик гаштини суриб аёл шод,
Аёл кулгуси – ҳаёт күзгуси.

ЁҚДИНГ-А

Қошинг қоқиб, битта боқиб
 Юрагимни ёқдинг-а.
 Нега мени қилиб шайдо
 Бунча сирли боқдинг-а?

Хоразмнинг “Лазги”сида
 Қош учирив лол қилдинг,
 Имоларинг билан менинг,
 Кўнглимга хуш ёқдинг-а.

Моҳитабон, ҳилол юзли
 Сохижамол сиймосан,
 Шамси-қамар жонон, дилни
 Ёруғ этди ёғдунг-а.

Муҳаббатинг жон бахш этди
 Оби ҳаёт мисоли,
 Қалбим аро тўлқинланиб,
 Дарё бўлиб оқдинг-а.

Ўзинг гулсан қиёси йўқ,
 Мафтун қилдинг Сатторни –
 Ишқ боғида гуллар териб,
 Зўр гулдаста тақдинг-а.

БЕКАЖОН

Хоразм томонга туташди йўлим,
Сен борсан, мен учун Хоразм сўлим,
Сочингни силамоқ истайди қўлим,
Сенга фидо бўлсин жоним, бекажон.

Сочим окин кўриб дема ёшулли,
Қалбимда муҳаббат ғоят зўр, улли,
Ҳаётингни этай нақшинкор, гулли.
Ёринг бўлай дейман, жоним бекажон.

Чиконларинг ичра ўзинг аълосан,
Ғамзанг билан жоним ўта соласан,
Васлингда жонимни ўзинг оласан,
Сен дея жўшмоқда қоним, бекажон.

Битта ёстиққа бош қўйсам қанийди,
Висолинг сехрига тўйсам қанийди,
Умрим сўнгигача суйсам қанийди,
Бўл менга ягона, хоним, бекажон.

ГУНОХМИ СЕВИШ?

Севиши оғир гунох бүлса,
Шу гуноҳим соғиндим мен.
Сендеқ малак каби тоза
Бегуноҳни соғиндим мен.

Ўз кўнглимга ўзим подшоҳ
Эканлигим унитдим воҳ
Мени шайдо этган гўзал
Шаҳоншоҳни соғиндим мен.

Пайдо бўлиб зўр холида
Парипайкар мисолида
Икки ёрнинг висолида
Бор гувоҳни соғиндим мен.

Севиши оғир гунох бүлса
Шу гуноҳни соғиндим мен
Сендеқ малак каби тоза
Бегуноҳни соғиндим мен.

МҮЙЖИЗАНИ КУТМА

Севги мүйжизадир муқаддас эзгу –
Умрингни ўтказма факат кутганча.
Қалбіда борига тутмасдан күзгү
Севгини пайқамай ўтганлар канча.

Нигоҳинг гүзіллік сари қаратгин,
Тоҳири Мажнундай донғинг таратгин,
Мүйжизани аввал ўзинг яратгин –
Севги мүйжизадир муқаддас, эзгу

Инсонсан, ўзингга зүр баҳт тиларсан,
Саодат ғойибдан келмас, биларсан,
Ижобат күргайсан то интиларсан –
Севги мүйжизадир муқаддас, эзгу.

Ҳавои хисларнинг этагин тутма,
Мүйжиза ўзича келишин кутма.
Зийрагу тийрак бүл, асло унутма –
Севги мүйжизадир муқаддас, эзгу.

МУШКУЛ

Хосил деб ниш урар күкламда куртак,
Ажиб ҳислар сезар аёлу эркак,
Баҳор шайдо дилга сүйлади эртак,
Соф севгиға етмоқ нақадар мушкул.

Чин ошиқ аслида ёрга сафардош,
Шодлигига шерик, ғамиға дардош,
Йигитнинг чин ишқин англа, қаламкаш –
Соф севгиға етмоқ нақадар мушкул.

Мұхабbatда жондир теран маңнолар,
Тилсимиға таслим қанча донолар,
Анварларин кутиб зордир Раънолар
Соф севгиға етмоқ нақадар мушкул.

Ишқингни ардоқлаб яшагин инсон,
Ёр билан мос қадам ташлагин, инсон,
Чин юракдан севгин, севилгин инсон –
Соф севгиға етмоқ нақадар мушкул.

РАЙХОНА

Сени күрган оним рохатда жоним,
Мутлако топилмас сендайин хоним,
Үзингсан мисли йўқ моҳитобоним –
Висолинг ошиқка зўр шодиёна,
Шайдоингни шод этгил, хушрўй Райхона.

Исмингга муносиб ифорларинг бор,
Изингда исингта хуморларинг бор,
Эс-хушин йўкотган беморларинг бор,
Давобахш ифорлар сочгил ҳар ёна,
Хироминг таратсин хуш бўй, Райхона.

Хусну фазлинг этди мени ҳайрона,
Ҳажрингда ҳолим хор, кулбам вайрона,
Ташрифинг уларни этсин кошона,
Васлингда ӯзингга бўлай парвона,
Хушхабар бахш этсин хуш ӯй, Райхона.

ТАСАННО

Хиромларинг ярашади жисмингга,
 Асли жисминг муносибдир исмингга.
 Латофатинг этди лолу маҳлиё,
 Мендайин чин ошифингга бок қиё –
 Ҳусну жамолингга тасанно,
 Фазлу камолингга тасанно,
 Эй Зебо!

Гўзаллигинг ифодаси рақсингда,
 Кўзларимда жилва қилган аксингда.
 Санъатинг ҳам, сийратинг ҳам бебаҳо,
 Висолингга эришмоғим менга муддао –
 Ҳусну жамолингга тасанно,
 Фазлу камолингга тасанно,
 Эй Зебо!

Муқомларинг муҳлисингни куйдирап,
 Хиромларинг соҳибасин суйдирап,
 Гўзал чехранг субхидамдай мусаффо,
 Ҳеч кимда йўқ сендай нозу таманно,
 Ҳусну жамолингга тасанно,
 Фазлу камолингга тасанно,
 Эй Зебо!

ЙҮЛ ОЛДИДАН

Үки, излан, эй үғлон,
Үрганганинг үзингга.
Билим қилур чароғон
Оламларни күзингга.

Балки ҳориб-толарсан,
Бироқ бойлик оларсан,
Ғолиб бўлиб қоларсан
Жавоб бериб сўзингга.

Үрганишга йўқ сарҳад,
Билимни қил беадад,
Тафаккурдан ол мадад
Синовлар бор изингда.

Билим умринг нақш этар,
Заковатда акс этар,
Баҳор файзин баҳш этар
Ҳаётдаги кузингга.

Дерлар олгунча тобут
Билимни қилрасо, бут,
Кўшилар барака-кут
Топган ризқу рўзингга.

Ақлу зеҳнинг қил йўлдош,
Захматларга бер бардош,
Билимни эт сафардош
Элингаю үзингга.

-II-

Йўлингни берсин, йигит,
Кутлуғ бўлсин сафаринг.
Учгил мисоли бургут,
Кучгил улуғ зафаринг.

Кўзлаганинг – зўр маъво,
Чўққидан ҳам юксакда.
Амал топгай муддао
Ихлос бўлса юракда

Навқиронсан, жўшкисан,
Интилишда топ гаштинг.
Бамисоли тошқисан,
Тоғларни бузар шаштинг.

Ҳар кимнинг бор қувгани –
Шуҳрат, амал, пулу зар.
Сен ҳам толе қув, қани –
Хаёт асли кимўзар.

Ўзлигинг – арғумоғинг,
Пойгада ўзсин, йигит.
Гар йикилсанг, хамрохинг
Қўлини чўзсин, йигит.



ЁШ ВАТАНДОШГА

Ишларингга берсин барор,
Касбу ҳунарингга ривож.
Маслагингда бўл барқарор,
Имонни қил бошга тож.

Элга берсанг, элдан келгай,
Ҳар ён, ўнгу сўлдан келгай,
То курбинг бор, қўлдан келгай –
Топганингдан қўпга соч.

Жилғаларни дарё қилгил,
Уммондай зўр маъво қилгил,
Эзгуликни аъло билгил,
Яхшиларга йўллар оч.

Озод, эркин, ҳур, сарбаст бўл,
Курашларда забардаст бўл,
Халқпарвар, хақпараст бўл,
Адолатга бағринг оч.

МАҚСАД ДУРИ

Кимки гулга асил шайдо,
Чидар тикан захрига ҳам.
Сайёхликка ким мубтало,
Чидар бўрон қаҳрига ҳам.

Излаганга топиш молик,
Бузилмасин дўст-ошнолик,
Муҳаббатда жам рўшнолик
Зарур инсон бағрига ҳам.

Файз бермаса меҳр нури,
Йўқ яшашинг завқ, сурури.
Зарур эзгу мақсад дури
Хаёт баҳру наҳрига ҳам.

Покланг қўнгил гўшасини,
Тузинг яшаш режасини,
Кулинг инсоф кўчасини
Тирикчилик шаҳрига ҳам.

ДОВОН ОШИБ

Максад сари йўллар бўлмагай равон,
Кўпдир машаккату заҳмат, азият.
Ногоҳ пайдо бўлса, ўтилгай довон –
Тақозо этгайдир шуни вазият.

Довондан чўчиган чиқмас сафарга,
Йўлнинг имтихону синовлари мўл.
Эй, йўлчи, эришмоқ учун зафарга,
Тоғдай катъиятли, иродали бўл.

Тоғдай бўлмок зарур тоғни енгмоқка,
Ўтмок шарт довону коя чиққан чок.
Кимки тўсикларни дадил енгмоқда,
Боши кўкка етиб, кўкси бўлар тоғ.



САВОЛ-ЖАВОБ

Ҳаёт мисли кема, Саттор
Барчамиз бир кемада.
Яшаш завқи нима, Саттор,
Инсон бахти нимада?

Ҳаёт асли савол-жавоб,
Жумбоқлари узлуксиз.
Бир ён гунох, бир ён савоб –
Чўққилар йўқ музликсиз.

Ҳаёт асли кунлик сўроқ,
Ҳар кимда бор терговчи.
Шер оҳуни пойлар, бироқ
Шерни отсам дер овчи.

Ҳаёт асли саволларга
Жавоб излаб чопишдир,
Хурлик бериб хаёлларга,
Иzlанишдир, топишдир.

Яшаяпсан, яша, Саттор
Саволларга жавоб топ.
Бу дунё кенг, бу дунё тор –
Имкон қадар савоб топ.



ХҮП ҒАЛАТИ

Бу дунёнинг ишлари хўп галати –
Одамзодни минг ўйларга солади.
Кимда тоза юрагидан халати –
Бу дунёнинг ишлари хўп ғалати.

Нахот, энди дардга даво пул бўлса,
Бурчга эмас, одам нафсга қул бўлса?!
Э воҳ, айни ғунча чоги гул сўлса –
Бу дунёнинг ишлари хўп ғалати.

Айримларда дардлар сероб, дармон йўқ,
Баъзиларнинг бағри бутун, армон йўқ,
Бозор ичра қиммат кўпу арzon йўқ –
Бу дунёнинг ишлари хўп ғалати.

Тингланг Саттор сўзин, бағри бутунлар,
Мехрингиздан создир ўтса хуш кунлар,
Алангани яратади учқунлар –
Бу дунёнинг ишлари кўп ғалати...

АЖАБ САВДОЛАР

Сотувчи бор, харидор бор бозорда,
Тирикчилик ўтказади даллол ҳам.
Савдо пишса хоҳ оқшом, хоҳ нахорда,
Топилади хизматга шай ҳаммол ҳам.

Кимдир чаққон пуллар молин қўз-қўзлаб,
Била туриб яширганча айбини.
Сара молга эга эса жим бўзлаб,
Эзилади ўйлаб неъмат ҳайфини.

“Отанг-бозор, онанг-бозор” дейдилар,
Сиртдан боқсанг, етим йўқдай битта ҳам.
Ҳақдан, халқдан қўрқмай ҳаром ейдилар
Имонини сотган аҳли муттаҳам.

Назар солсанг, тарозилар – норози,
Ахир, ҳар кун урилади, ё раббий!
Қаердаки урилса гар тарози,
Ўша жойда, демак шайтон-мураббий.

АЖАБО

Аввал парча чүғни излаб хор бўлган
Энди исроф килиб ётар оловни.
Кечагина аталага зор бўлган
Бугун паккос туширганча паловни,
Тўклика шўхлик қиласлар, ажабо!

Юпун юрган кунларини ўйламай,
Жулдурини алмаштириб зар тўнга,
Бор-йўгига окилона бўйламай,
Топганини совуради чап-ўнгга –
Тўклика шўхлик қиласлар, ажабо!

Сополини асрамасдан чиннидай
Тавқи лаънат илинганча бўйинга,
Эс-хушидан жудо бўлган жиннидай
Муккасидан кетар эрмак, ўйинга –
Тўклика шўхлик қиласлар, ажабо!

Ўтган кунин унутмасдан мутлақо
Чоригини қуритмаган Аёздай,
Бўлмас, аммо қолмагунча ҳеч вако
Нафс кўйига тушган фикри саёздай,
Тўклика шўхлик қиласлар, ажабо!



КАЛЛА

Ҳар күннинг ўз совғалари бор,
 Сокинлигу ғавғолари бор,
 Ажабтовур савдолари бор,
 Ташвиши йўқ калла каллами?!

Енгилтагу фикри дайдилар
 Ўйламай, сўнг пушмон ейдилар,
 Бир бошга бир ўлим дейдилар,
 Ташвиши йўқ калла каллами?!

Оғирни ҳам енгил қиласар бош,
 Пасту баланд недир – билар бош,
 Ўзига тож ё тош тиласар бош,
 Ташвиши йўқ калла каллами?!

Бўлмай десанг ғамга мубтало,
 Тушмаслиги учун ҳар бало,
 Ҳар не бошламоқдан аввало
 Ишлатиш шарт, ишлат каллани!

МАҲКАМ ТАМАЛ

Кўпни кўрган доно бўлар,
Ҳар гапида маъно бўлар,
Яратганга тилда, дилда
Шукру ҳамду сано бўлар.

Ҳар кизда бор ҳусну жамол,
Ҳуснига мос топса камол,
Кўрганларни қилгувчи лол
Гўзал гулирањо бўлар.

Ҳалолликни қилиб амал,
Инсон қўйса маҳкам тамал,
Умри мухташам, муқаммал,
Завол билмас бино бўлар.

МЕХНАТ – ТОЛЕ

Меңнат қылса, ишласа,
Меңнатсевар хор бўлмас,
Ҳалол нонин тишлиса,
